

ДАВЛАТ ТИЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАРИХИЙ ИЖТИМОЙИ АСОСЛАРИ

Қурбонова Марғуба Болтаевна

Иқтисодиёт ва Педагогика университети катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур тадқиқот жараёнида она тилимиз, том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришидек буюк марраларга сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиққанлиги, кенг кўламли ислохотлар жараёнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора ошиб бораётганлиги тахлил қилиб ўтилди. Шу муносабат билан давлат тилини ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий, концептуал асосларини бугунги кун нуқтаи назаридан тадқиқ этиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Калит сўзлар: давлат тили, моноэтник, миллий муносабатлар, тараққиёт

АННОТАЦИЯ

В ходе этого исследования наш родной язык буквально стал государственным языком и проявился как несравненная сила, мобилизующая наш народ на великие цели, такие как построение свободной и благополучной жизни в нашей стране, в процессе масштабных реформ роль и влияние государственного языка в нашей жизни все больше возрастает. В связи с этим актуальность приобретает вопрос исследования социально-философских и концептуальных основ развития государственного языка с сегодняшней точки зрения.

Ключевые слова: государственный язык, моноэтнический, национальные отношения, развитие.

ABSTRACT

In the course of this research, our mother tongue literally became the state language and emerged as an incomparable force that mobilizes our people to great goals such as building a free and prosperous life in our country, in the process of large-scale reforms, the role and influence of the state language in our life is increasingly increasing. In this regard, the issue of researching the socio-philosophical and conceptual foundations of the development of the state language from today's point of view is gaining urgent importance.

Key words: state language, monoethnic, national relations, development

КИРИШ

Тил инсоннинг бирламчи эҳтиёжи, англаш, билиш, сўзлаш, алоқа-муносабат воситаси, мансуб-хослик омили бўлгани боис ҳамиша жамият равақининг асосий мезонларидан бўлиб келган. Жумладан, ўзбек тили ўзбек миллатининг узоқ тарихий илдизларига, ўз сиёсий-ҳуқуқий асосларига эга муқаддас қадрияти, улкан маънавий ютуғидир. Бугунги тараққиётга қадар шонли ва шарафли йўлларни босиб, кескин ва шиддатли тўфонларни енгиб келаётган миллий тилимиз давлат мақомида янада улуғвор ва устуворлигини намоён қилмоқда. Турли даражадаги ижтимоий муносабатлар, халқаро алоқалар, фан-техника тараққиёти, глобаллашиш жараёнлари миллий тил қиёфасига ҳам муайян даражада ўз таъсирини ўтказмоқда, ички ва ташқи таҳдидлар хавфини оширмоқда. Шулардан бири яқин кунлар оралиғида муносабат-мунозара майдонини эгаллаб, кенг жамоатчиликнинг танқиду эътирозига учраётган “рус тилини иккинчи расмий давлат тили сифатида эълон қилиш” ташаббусини илгари сурган айрим “зиёлилар”га ҳам тегишлидир.

Маърифатпарвар аллома ва ўз даврида ўнга яқин дунёвий тилларни пухта ўрганган олим Исҳоқхон Ибратнинг ушбу сўзларига эътибор қаратайлик: «Бизнинг ёшлар албатта бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат — бу ватаний ишдир».

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббускорлиги остида ўзбек тилига бўлган эътиборимиз янада жонланмоқда. 2019 йилнинг 21 октябрь куни зиёлилар иштирокида бўлиб ўтган катта анжуманда давлатимиз раҳбари тилимизнинг мавқеи ҳақида: «Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлгимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир» дея таъкидладилар. Ва айнан ушбу тадбирда «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекканини айтганида барча қатнашчилар бу сўзларни улкан кўтаринкилик билан қарши олишди.

Муҳтарам Президентимиз қаерда ва қай мавзуда маъруза қилмасинлар, юрт келажаги бўлмиш ёшлар масаласини бот-бот илгари сурадилар ва мана шу йўсиндаги сўзларини келтириб ўтадилар:

«...Ёш авлод қалбида она тилимизни болаликдан сингдириши мақсадида таълимнинг барча босқичларида ўзбек тилини замонавий ва инновацион технологиялар асосида мукамал ўргатишга алоҳида эътибор қаратишимиз

лозим. Токи, болаларимиз ўзбек тилида равон ўқийдиган, равон ёзадиган ва теран фикрлайдиган инсонлар бўлиб етишсин».

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ушбу даъватлар ҳар бир ватандошимизни хушёр торттирмоғи ҳамда фарзандлар камоли йўлидаги улкан ишларга отлантирмоғи лозим.

«Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга кўра, 21 октябрь санаси юртимизда «Ўзбек тили байрами куни» деб белгиланди. Тарихга юзланадиган бўлсак, таассуфки, мустабид тузум даврида миллат руҳи, ғурури бўлмиш ўзбек тилининг мавқеини пасайтиришга уринишлар кўп бўлди. Миллат ойдини, маърифатпарвар адиб Абдулла Қодирий “Ўзбек тили камбағал тил эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнкамасинлар”, деган хитоби билан ўтмишнинг аччиқ ситамларини намоён этди. Собиқ иттифоқ даврида она тилига бўлган беписандликка қарамай, халқимиз ўз миллий тилини сақлаб қолди. 1989 йил 21 октябрь куни қабул қилинган “Давлат тили тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, ўзбек тили давлат тили, деб эълон қилинди. Айниқса, Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илк марта ўзбек тилида нутқ сўзлаши она тилимизнинг нуфузи ва мавқеини янада оширди. Халқаро ҳамжамият томонидан “Навой тили” деб эътироф этиладиган она тилимизнинг жаҳонда эътироф этилиши ниҳоятда катта ва муҳим тарихий воқелик бўлди. Бу ҳар бир юртдошимиз кўнглида ғурур-ифтихор туйғусини янада оширди.

Шу ўринда маърифатпарвар бобомиз Алихонтўра Соғунийнинг қуйидаги фикрлари эътиборга молик: “Қайси бир миллатнинг она тили ўз ҳожатини ўтаёлмай, бошқа ёт тиллар олдида мағлубиятга учраб тиз букар экан, ундай миллат кўп узоқламай, инсоний туйғуларидан ажраган ҳолда ҳаёт дафтари устига инқироз қалами чекилиши шубҳасиздир. Ундай миллатлар ёлғизгина Ватанларидан эмас, балки бутун борлиғи билан тарих юзидан йўқолишга мажбур бўлади”. Чунки йиллар ўтиб, қайси юртнинг фарзандлари ўз она тилларида ўқишни тўхтатса, ўша тил йўқлик қаърига сингиб кетади. Шу сабабли ҳам тилнинг ёт таъсирлардан сақлаш халқ тараққиёти ва келажакини белгилайди. Она тили халқни бирлаштиради, тарбиялайди, ўқитади, урф-одат, анъаналарини сақлайди. Шундай экан, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда, уни миллий ва умумбашарий тушунчалар асосида тараққий этган тиллар сафига қўшишда ҳар биримиз тилимизга чуқур ҳурмат билан ёндашимиз керак. Зеро, тил бор экан, миллат барҳаётдир. Биргина шу эмас, албатта. Жорий йилнинг 20 январь куни бошланган хайрли

ишларнинг узвий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Бу каби саъй-ҳаракатларнинг барчасида аввало халқ фикри энг асосий мезон сифатида қаралиб, барча муҳим ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий қарорлар юртдошларимиз билан бамаслаҳат қабул қилинаётгани фуқароларда ижтимоий фаоллик ҳиссини кучайтирмоқда. Кўпгина долзарб масалалар қатори, давраларда давлат тили, миллий ғурур, орият, тарих ва қадриятлар ҳақидаги қизғин баҳс-мунозараларга барчамиз шоҳид бўлиб турибмиз.

Ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланиб, халқаро минбарларда баралла янграмоқда. Хорижий мамлакатларда тилимизга эътибор ва уни ўрганишга қизиқиш кучаймоқда. Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир¹.

Жаҳон илм-фанида кўп йиллардан буён миллий тилларнинг давлат тили мақомида ривожланиш масалалари фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, лингвистик ва бошқа аспектларда тадқиқ этилмоқда. Бундай тадқиқотлар масала ечимининг самарали механизмларини топишга қаратилган. Лекин амалиётда давлат тили ва миллий тиллар ўртасидаги муносабатларни лисоний хилма-хиллик тамойилини сақлаган ҳолда, муайян давлатда бир ва ундан ортиқ тилларга давлат мақомини бериш тартибида ёки, аксинча, давлат тилини мажбурий сингдириш кузатилмоқда. Илмий изланишлар натижасида давлат тилини ҳаётга тадбиқ этиш ва функционал ривожлантириш бўйича концепциялар, дастурлар, услубий ёндашувлар шаклланимоқда. Шу сабабли мустақил давлатда уйғун тил сиёсати юритиш, давлат тилининг кенг миқёсда қўлланилишини таъминлаш, унинг миллий идентликни сақлаб қолишдаги ва миллатлараро барқарорликни таъминлашдаги аҳамиятини тадқиқ этиш зарурияти юзага келмоқда.

Мамлакатимизда 1989 йилда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан суверен давлат сифатидаги мустақил тараққиёт йўлини бошлаганлиги ижтимоий-тарихий воқелиқдир. “Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни, она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай

¹Ш.Мирзиёев. Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мақеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. Тошкент ш.,2019 йил 21 октябрь,ПФ-5850-сон

қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз керак²” Шу нуқтаи назардан мамлакатда яшаётган бошқа миллатларининг тили ва миллий маданияти ривожига салбий таъсир қилмаган ҳолда, ўзбек тилининг функционал ривожланишини ҳамда кенгайтиришнинг самарали йўллари излаб топишни тақозо этмоқда. Мазкур вазифани бажариш учун ўзбек тилининг давлат тили мақомида функционал ривожланишининг ижтимоий-фалсафий омилларини тадқиқот объектига айлантириш лозим.

Тилнинг сақланиб қолиши ва тараққий этишига биринчи қафолат ёзув ва ундан кейин халқнинг этник жараёнидаги узлуксизликдир. Бизнинг бу фикримизга кўпчилик қўшилмаслиги ҳам мумкин. Чунки ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи билан шуғулланаётган тарихчи олимларнинг қарашларидан бизнинг қарашларимиз маълум даражада фарқ қилади. Бу қарашларимизнинг ўзгачалиги, биринчи навбатда, ўзбек тилининг манбаларига муносабатларимизда ва қарашларимизда аён бўлади. Биз учун ўзбек халқининг этногенези далиллари рўйхатида биринчи бўлиб ёзув ва тил туради.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тилини ривожлантириш департаменти тузилгани, унинг раҳбари ҳукумат амалдорларидан чет элларга чиққанда ҳам ўзбек тилида гапиришни талаб қилаётгани яхши. Лекин амалий иш-чи? Давлат тили ҳақидаги қонун ижросини назорат қиладиган, атамаларни тартибга соладиган, уларни саралаб олиб, барча давлат идоралари қўллаши учун мажбурий қилиб қўядиган механизм жорий этилди? Бунақа механизмни яратиш учун қайтадан ғилдирак кашф этишнинг мутлақо кераги йўқ.

Давлат ривожланиши билан давлат тили ҳам ривожланади. Халқ мустақиллигининг асосий белгиси – бу она тили ва миллий маданияти. Дунёнинг барча давлатлари ўз она тилларини асраб-авайлашга интилишади, шунинг учун ҳар қандай давлат ўзининг маданий мероси ва она тилини алоҳида ҳурмат қилади.

Миллатларни ажратиб турувчи асосий белгилардан бири бу тил экан, ҳар бир инсон ўз тилини билиши, уни улуғлаши ва шу билан бирга бошқа миллатларнинг она тилига ҳам ҳурмат билан қарashi лозим. Шундагина тилнинг, миллатнинг қадр ва обрўи, нуфузи ошади. Тил тарихини, унинг меъёрий нуқтаи назардан шаклланиш жараёнини, ривожланишини миллат тарихидан айри ҳолда ўрганиб бўлмайди.

²Мирзиёев Ш.М. Ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир // Халқ сўзи газетаси. – 2019 йил 22 октябрь, 218-сон.

Юқори ривожланган давлатлар даражасига эришиш ва рақобатдош бўлиш учун Ўзбекистон фуқаролари халқаро тилларни билишлари муҳим, албатта. Чунки биз глобал ривожланиш тенденцияларидан орқада қола олмаймиз, лекин шуни унутмаслик керакки, ўзбек тили дунёдаги барча расмий тиллар қатори суверен тил мақомини олган экан, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси давлат тилини билиши шарт. Ҳеч ким ҳеч қачон ўз она тилига бўлган ҳурматни йўқотмаслиги керак. Тилга ҳурмат – бу халққа ҳурмат. Ўз она тилига эга бўлмаган халқ мамлакат бўлолмайди. Тилнинг эгаси халқ, аммо халқнинг битта вакили лоқайд бўлса ҳам миллий тил софлигига путур етади. Тил давлат тимсоли, мулки ҳисобланади. Тил маданиятига амал қилинмаса, миллий маданиятга доғ тушади. Шу сабабли, бу улкан ҳодисанинг туб моҳиятини келажак авлод онгига сингдириш, она тилига бўлган муҳаббат ва садоқатини янада мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Бинобарин, ўзини ўзбек миллатининг фарзандиман, деб билган ҳар бир шахс она тилимизга эътиборли бўлиши, унинг софлигини асраб-авайлашни муқаддас бурчи деб билиши шарт.

ХУЛОСА

Ўзбек тилининг Ватанимизда давлат тили сифатида амал қилинишининг ҳуқуқий асослари қонунан белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни уч тамойилга: умумийлик, мажбурийлик ва ҳуқуқий кафолатга асосланади. Дарҳақиқат, давлат тилининг мустаҳкам ҳуқуқий мақоми белгилаб қўйилгани тилимизнинг бой имкониятларидан кенг фойдаланишга етарлича замин яратиб, мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши баробарида ўзбек тилининг эркин муомалада бўлиши учун зарур шарт-шароитни яратиб берди. Дунёда таниқли мамлакат бўлиш учун биз давлат тилининг мақомини кўтаришга эришишимиз лозим.

Сўнгги йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби тилимиз тараққиётида ҳам муҳим ўзгаришлар юз бермоқда. Ўзбек тилининг халқаро миқёсда обрўи ошиб, фаол мулоқот воситасига айланиб бормоқда. Турли даражадаги расмий учрашув ва музокараларда тилимиз кенг қўлланаётгани, хориждаги қатор таълим даргоҳларида, илмий муассасаларда ўзбек тили марказлари ташкил этилиб, уларда она тилимизни ўрганишга қизиқувчилар сони кўпайиб бораётгани бунинг яққол далилидир.

REFERENCES

1. Мирзиёев. Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мақеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. Тошкент ш., 2019 йил 21 октябрь, ПФ-5850-сон
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзликимиз ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир // Халқ сўзи газетаси. – 2019 йил 22 октябрь, 218-сон.
3. Курбонова М ” Language Policy and Its Social Aspects” Internatsional Journal of Development and Public Policu. Table of Content - Volume 1 | No 5 (Oct 2021)
4. Qurbonova, M. U. B. (2022). HUQUQIY VA SIYOSIY MADANIYAT O ‘ZBEKISTONDA FUQAROLIK JAMIYATI BARPO ETISHNING ASOSIY BO ‘G ‘INI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(1), 342-346.